

## VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмаси 4 789,6 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 124,0 %, жумладан 1 827,2 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,0 %, 2 962,4 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 127,4 % ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ dollari)


	январь-декабрь		2018 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида
	2018 й.	2019 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>3 861,3</b>	<b>4 739,6</b>	<b>124,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	1 527,1	1 989,6	130,3
бошқа давлатлар	2 334,2	2 800,0	120,0
<b>Экспорт</b>	<b>1 535,4</b>	<b>1 827,2</b>	<b>119,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	372,4	589,5	158,3
бошқа давлатлар	1 163,0	1 237,7	106,4
<b>Импорт</b>	<b>2 325,9</b>	<b>2 962,4</b>	<b>127,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	1 154,7	1 400,1	121,2
бошқа давлатлар	1 171,2	1 562,3	133,4

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

**2018 йил январь-декабрь**



**2019 йил январь-декабрь**




**2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби**

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида</i>
	<i>2018 йил январь-декабрь</i>	<i>2019 йил январь-декабрь</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>119,0</b>
пахта толаси	3,9	6,0	185,2
озик-овқат маҳсулотлари	6,9	9,4	160,6
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	2,6	2,0	93,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,03	0,0	0,0
қора ва рангли металллар	70,2	62,3	105,6
машина ва ускуналар	1,7	2,5	181,7
хизматлар	1,0	0,8	85,8
бошқалар	13,6	17,0	148,1
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>127,4</b>
озик-овқат маҳсулотлари	8,6	15,4	228,6
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	7,0	8,8	159,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,9	1,2	78,0
қора ва рангли металллар	23,2	15,3	84,1
машина ва ускуналар	40,5	34,8	109,5
хизматлар	0,9	1,4	192,2
бошқалар	17,9	23,1	165,1



Экспорт таркибида товарлар 99,2 % улушига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металллар (62,3 %), бошқа турдаги товарлар (17,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (9,4 %), пахта толаси (6,0 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (2,0 %), машина ва ускуналар (2,5 %), шунингдек, хизматлар (0,8 %) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

2018 йил  
январь-декабрь




2019 йил  
январь-декабрь



Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (34,8%), озиқ-овқат маҳсулотлари (15,4 %), қора ва рангли металллар (15,3 %) ҳамда бошқа маҳсулотлар (23,1 %) гуруҳлари ҳисобига тўғри келди.


## Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

2018 йил  
январь-декабрь



- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё маҳсулотлари ва буюмлари
- Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар

2019 йил  
январь-декабрь





- Машина ва асбоб-ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

**2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида  
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i>
Қозоғистон	18,7	187,3
Туркия	16,9	107,7
Хитой	16,8	121,8
Россия	16,8	102,4
Корея Республикаси	3,9	116,4
Германия	2,7	2,4м
Буюк Британия Қироллиги	1,9	75,3
БАА	1,9	8м
Тожикистон	1,8	98,2
Афғонистон	1,5	58,6
Украина	1,3	108,7
Қирғизистон	1,2	197,0
Беларусия	1,2	71,2
Литва	1,1	161,6
Бразилия	1,0	2,2м
Италия	1,0	178,9
Мексика	1,0	53м
Сингапур	0,8	98,7
Эрон Ислом Республикаси	0,7	94,2
Швейцария	0,7	4,4м
Латвия	0,6	107,1
Нидерландия	0,5	67,4
Ирландия	0,5	231171м
Ҳиндистон	0,5	183,8
Полша	0,5	43,7
Малайзия	0,5	2,5м
Америка Қўшма Штатлари	0,4	97,3

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Туркия, Қозоғистон, Россия ва Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 75,3 % ини ташкил қилади. Қозоғистон, Россия, Туркия ва Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.


**2019 йил январь-декабрь ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да**



Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2019 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 41,5 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,3 % га ошди.

Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 58,5 % ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 60,5 % га тенг еди.


**Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг  
ташқи савдо айланмаси**  
(млн. АҚШ доллари)



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатсия қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.



**Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналарнинг  
худудлар бўйича тақсимланиши  
(2020 йил 1 январь ҳолатига)**



Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналар 2020 йил 1 январь ҳолатига таҳлил қилинганда вилоятда жами 1281 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан Зангиота (171 та), Қибрай (130 та), Юқоричирчиқ (101 та) туманларида, Ангрен (99 та), Чирчиқ шаҳарларида (81 та), Ўртачирчиқ (80 та), Тошкент (78 та), Янгийўл (72 та), Оҳангарон туманларида (70 та), Янгийўл шаҳрида (66 та), Бўстонлик туманида (51 та), Нурафшон (51 та), Оҳангарон (43 та), Олмалиқ шаҳарларида (40 та), Қуйичирчиқ (39 та), Чиноз (23 та), Паркент туманларида (22 та), Бекобод шаҳрида (20 та), Пискент (14 та), Оққўрғон (10 та), Бекобод (10 та) ва Бўка туманларида (10 та) хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинган.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 166,2 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 138,0 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 2,1 мартага ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 86,1 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 60,7 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40,5 минг тоннага кўп миқдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 47,1 минг тонна мева ва резаворлар 46,1 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,9 минг тоннага кўпроқдир.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

(январь-декабрь, 2019 й.)



Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 106,8 млн.АҚШ долларига тенг бўлиб, умумий экспортдаги улуши 5,8 % ни ташкил этди.